

## САИД РИЗО АЛИЗОДА АСАРЛАРИДА МАЪРИФИЙ ДИСКУРС

**Мухаммадиев Иброҳим Ибодуллозода**

СамДУ филология факултети

Лингвистика: ўзбек тили йўналиши

II курс магистранти

E-mail: [ibrohimmuhamadiyev1@gmail.com](mailto:ibrohimmuhamadiyev1@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўтган асрнинг етук шахсларидан бири, жадид, маърифатпарвар, тилшунос, муаллим, муҳаррир умуман олганда, халқимизнинг асл фарзанди бўлган Саидризо Ализода асарларидаги айрим фикр-мулоҳазалар замонавий тилшунослик категорияларидан бири ҳисобланган дискурс тушунчаси билан биргаликда таҳлил қилинади. Дискурснинг турлари доирасида айнан маърифий дискурс Ализода асарларида муҳим ўрин тутганлигини исботлашга эътибор берилди. Дискурснинг пропозицион, пресуппозицион ва яна бир қанча турлари айнан Ализода нутқида қанчалик ўринли ва моҳирона истифода этилганлигини кўрсатиб беради.

**Калит сўзлар:** дискурс, маърифий дискурс, пропозиция, пресуппозиция, интенсия, иллокуция, сўзловчи шахс.

Кириш. Ҳозирги давр тилшунослигида янги йўналишлар қаторидаги прагматик ва когнитив тилшуносликнинг мунозарали ва изоҳталаб муаммоларидан бири дискурс тушунчасидир. Шунингдек, дискурс назарий тилшуносликдан ташқари яна бир неча фанларнинг, йўналишларнинг, тадқиқот соҳаларининг ҳам асосий ўрганиш объекти ҳисобланади. Ушбу фанларнинг ҳар бири: фалсафа ва мантик, психология, компьютер лингвистикаси ва сунъий интелект сотсиология антропология ва этнология, семиотика, илоҳиёт, тарихнавислик, адабиёт, ҳуқуқ, педагогика, сиёсатшунослик ва яна бошқалар дискурсни ўзига хос тарзда ёндашилади.

Дискурсни тил орқали ифодаланган, шаклланган фикрлаш тарзи сифатида таърифланиши ижтимоий-гуманитар фанларга хос албатта.

Тилни прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бағишланган ишларда дискурс атамаси саккиз хил маънода қўлланилади: 1) сўз муқобили, 2) фразалардан ўлчами бўйича ортадиган бирлик, 3) нутқ вазияти ҳисобга олинган ҳолда фикрнинг адресатга таъсири, 4) суҳбат, 5) нутқда сўзловчи позитсияси 6) лисоний бирликлардан фойдаланиш 7) фикрнинг ижтимоий ёки мафкуравий

чекланган тури, 8) матн ҳосил бўлиш шартларини тадқиқ этишга мўлжалланган назарий қурилмалар.<sup>27</sup>

Голланд тилшуноси Т.А. ван Дейк дискурсни бир нечта даражаларда кўриб чиқишни таклиф қилади. У кенг маънода дискурс коммуникатив воқеа, тор маънода эса коммуникатив ҳаракатнинг ёзма ёки нутқий вербал маҳсулоти сифатида қараш лозимлиги ҳақида фикр билдирилади.<sup>28</sup>

Дискурс ижтимоий табиатига кўра бир неча турли бўлиши мумкин: илмий дискурс, бадий дискурс, янгилик дискурс, публицистик дискурс, маърифий дискурс, сиёсий дискурс, баҳоловчи дискурс ва бошқалар.

Инсоннинг нутқ орқали амалга ошадидиган барча ижтимоий фаъолияти дискурсив характерга эга. Ҳар бир сўзловчининг нутқидаги ижтимоий моҳият матн орқали намоён бўлади ва ўша нутқдаги ўзига хос хусусиятларни матннинг қайсидир маълум бир кўринишини очиб беради.

Дискурс - бу тил бирликларининг маълум вақтда ва маълум жойда маълум мақсад билан қўлланилиши, уларнинг изчил боғланишидир.<sup>29</sup>

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Қуйида биз маърифатпарвар, ўтган асрнинг 20- йилларидаги халқимизнинг юксак истеъдод соҳиби бўлган фарзанди 14 та тилни мукаммал билган тилшунос, журналист Сайидризо Ализода асарлари матнларидаги маърифий дискурсни очиб беришга уриндик.

Ҳар қандай нутқий матн дискурсининг функционал таҳлили ифоданинг маънавий асослари дискурсининг асосий категориялари билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Дискурсининг нутқни таҳлил қилиш таърифи нуқтаи назаридан келиб чиқиб С. Ализода матнларидаги нутқини дискурсининг асосий категориялари замирида таҳлилга тортамыз.

«Ҳар қандай иморат таъмирланмаса эскиради, хароб бўлади. Худди шундай мамлакат ва миллатлар таназзулга учрайди агар инқилоб бўлмаса. Инқилоб давонир эскини янгиловчи, харобни обод этувчи инқилоб чорадирким қарини ёшартирувчи ўликни тирилтирувчи, инқилоб очларни тўйдирур, ялангларни кийдирур.»

<sup>27</sup> Карасик В.И. Этнокультурные типы институционального дискурса // Этнокультурная специфика речевой деятельности: Сб. обзоров. - М.: ИНИОН РАН, 2000. - С.37-64.

<sup>28</sup> Дейк Т.А. ван. Язык, познание, коммуникация. - М.: Прогресс, 1989. -С. 372.

<sup>29</sup> Гурочкина А.Г. Понятие дискурса в современном языкознании // Номинация и дискурс. -Рязань, 1999. -С.13.

Ушбу матнни дискурсив таҳлилга дискурснинг категорияларидан бири пропозиция тушунчаси билан биргаликда олиш бирмунча тўғри келади. С.Ализодининг ушбу сўзлари унинг жамият ҳаёти ва табиатига диалектик муносабатда бўлганлиги, тараққиёт йўлини тадрижан, яхши англаганлигини, дарк этганлигини бу хусусда солим ақидаларга эга эканлигини кўриш мумкин. Маълум нутқий вазъиятни таҳлил қилишда, авваламбор, адресат ва адресантнинг муайян замонда бўлаётган воқеа ҳодиса ҳақидаги умумий қарашлари, маълум даврдаги воқеадан хабардор бўлиши муҳимдир. Шу фикр айтилган даврдаги ижтимоий сиёсий вазъиятни билмайдиган ўқувчи дискурс мазмунини ҳам тушина олмайди ва таҳлил қилиш мумкин бўлмаган вазъият келиб чиқади. Айнан шу мавридда вақт омилидаги нуқталарнинг маълумотлар кесишуви ва ёки улама нуқтаси даркор бўлади. Ҳар даврда, ҳар соҳада, ҳар жабҳада янгиланиш ўсиш ўзини англаш миллий ғурур миллий ор тушунчаларини янада кучайтириш ушбу нутқдан кўзланган мақсаддир. Инқилоб ренессанс эмасми?

Таъбир жоиз бўлса, Саидризо Ализодининг нафақат ушбу балки бошқа барча нутқи чорловчи, инсонни нимагадир, қандайдир хурфикрлик, мустақилликка ундовчи кучга эга. Тилда инсоннинг ботини дунёқараши савияси инсоний шахс намоён бўлиши ўз аксини топади.

Саидризо Ализодининг ўз даврининг пешқадам ва таниқли кишиларидан эди. Албатта у ҳам “сўзловчи шахс” сифатида ўз давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳодисалар воқеалар, ҳаракатларнинг шунчаки тавсифини кўра била туриб жўнгина бир ҳодиса сифатида қарамайди онгли шахс, лисоний шахс сифатида ўзининг жамиятдаги мавқеидан келиб чиқиб, ўз позициясида баҳолайди, ўзининг маърифий нутқини баралла айта олади. Саидризо Ализодининг асар ва мақолаларидаги сўзларида иллокутсия (нутқий таъсир) ўта кучли.

Биз адресант ва адресат айнан бир замонда бўлиши керак десак, биров хато бўлади. Баъзан мустасно ҳолларда турли замон вакиллари ўзаро коммуникатив жараёни амалга ошириши мумкин. Бу ҳолат албатта ёзма маълумот ва манбалар билан ишлаш жараёнида амага ошади.

Масалан: "Шу пайтгача фарзандлари бир биридан жудо ва бегона, шунингдек, бир-бирининг дардидан беҳабар Шарқ, азиз фарзандларини бегоналар қўлида ғулом кўрган Шарқ, яъни қай бир сармоядорлар қўл остида комронлиги ва хушумргузаронлиги йўлида юз йиллардан бери яқдигар қонини тўккан Шарқ кўпдан бери бир мушт сармоядорлар асири бўлиб унинг айши ва кайфи учун шароит яратаётган Шарқ бугун баралла ва расо овозда бутун жаҳонга эълон қиладики, Шарқ шарқликларники, Шарқнинг келажагини, истиқболини

шарқликлар ҳал қилиши керак, Шарқ неъматини энг аввал шарқликлар истеъмол қилмоғи даркор".<sup>30</sup>

Ушбу дискурсив нутқ ҳам катта маъно англатиб, ўқиладиганда гўёки замон ва макон аҳамиятсиздек ўқувчида ғурур туйғуси шакллантирилади, маълум коммуникатив интенсияни ўз ичига олади. Коммуникатив интенсия (мақсад) эса прагматик таҳлилнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Юқоридаги дискурсида интенсия жаҳон тамаддунининг бешиги бўлган Шарқ ақлу зако ва маърифатда ҳеч қачон ортда қолмаслиги кераклиги ёш авлоднинг илмий салоҳияти бунда энг муҳим омил эканлигини англатиш етакчи интенсиядир. Мақсадга эришиш учун сўзловчи ўз жумласини шундай тузиши лозимки, ўз мақсадини ўқувчи, тингловчигача етказиб бера олсин.

Дискурсни пропозитсия категорияси ҳақида деярли барча олимларни фикри бир хил. Лўнда қилиб айтганда нутқни борича тушиниш. Ушбу келтирилган фикрлар ҳам тўғри маънода тушинилишидан ташқари кўшимча ҳиссий-экспрессив вазифаларни ҳам ифодалашни таъминлайди.

Тилнинг ижтимоий моҳиятини барчамиз теран англаганмиз, яхши биламиз. Ализода сўзларида тилнинг айнан ижтимоий: жамоавий-гуруҳий чорловчиликни яққол кўриш мумкин. Уларда сўзловчи битта нутқ қаратилган шахслар сони чекланмаган.

О.Б.Сиротинина нуқтаи назаридан лисоний шахсни ички нутқ маданиятининг маълум типларига кўра 1)элитар 2)ўрта адабий 3)бадий сўзлашув 4)бетакалуф сўзлашув 5)оддий сўзлашув 6)халқчил нутқий каби турларга бўладиган бўлсак Ализода фикрлари элитар типга кириши хато бўлмайди. Юқоридаги фикрлар тўлақонли сиёсатга молик бўлиб буни қаранг айнан шу таснифнинг халқчил нутқий позитсияга ҳам мос тушади.

Пресуппозиция категориясида эса пропозитсиядан фарқли ўлароқ нутқнинг сўзловчи кўзлаган мақсадда тушинилиши акс этади. Масалан, “Оби ҳаёт” деганда ҳар биримизнинг кўз ўнгимизга тоза, покиза, чанқоғимизни босувчи сув келади. Аслида эса, Ализода ўз давридаги обёрлик механизмларининг тўғри йўлга қўйилмаганидан хабар бериб, ушбу нутқни қўллаган. Буни биз жумланинг давомини ўқиш орқали билишимиз мумкин.

“Оби ҳаёт - мана шу ҳавзаларимиздаги сув бўлиб, ўндан бири сув, ва тўққизи чирк, забил, ахлат, оғиз суви, димоғ суви, идиш-товоқ ювиндиси, кийим ювиндиси, ҳашаротреза, майда микроблар ва шунга ўхшаш таркибий элементлардан иборат бўлиб ўз истеъмолчисига узок умр бахш этади.”<sup>31</sup>

<sup>30</sup> Журн. "Шўълаи инқилоб" 1920 номер 51 10- бет

<sup>31</sup> Журн. "Шўълаи инқилоб", 191 номер 21 7- 8 бет

Энди фикр юритайлик қандай қилиб тасвирланаётган сув истеъмолчисига узоқ умр бахшида этиши мумкин. Аксинча бир неча турли касалликларнинг сабабчиси бўлади холос. Ушбу мавридда дискурснинг пресуппозитсион категорияси орқали таҳлил қилиш самарали. Ушбу ўринда сўзловчи позитсиясида Ализода пресуппозитсион кинояни моҳирона қўллаётган.

А.К. Михалская фикрича: “Прагматик пресуппозитсия сўзловчининг маълум адресат учун маъқул келадиган фикрларини ифодалаш вазиятида қўллайдиган гапларидир”.<sup>32</sup>

Нутқ жараёнини таҳлил қилишда дискурда эксплицитлик ва имплицитлик ҳодисаларини ўзаро назарий жиҳатдан мослаштириши долзарб ҳисобланади. Бу эса коммуникатсия жараёнида пресуппозициянинг ифодаланиши фақат тил бирликларига боғлиқлик билан чекланиб қолмаслигини, бунда новербал воситаларнинг ҳам маълум даражада ўрни борлигини кўрсатади.

“Ўйлаб кўрингчи, биз шуурсиз деб биладиган ҳайвонларчалик ҳам ўз ватанимизни сева оламизми? Агар ҳайвоннинг инига бегонаси кириб қолгудек бўлса, уни дафъ этиш учун ин эгаси тишлари, тирноқлари, панжаларию шохлари борингки, бутун вужуди билан курашади. Энди ўйлаб кўринг- чи бутун бошли мамалакат талон-торож қилинаётган пайтда биз ана шу шуурсиз деб айтган ҳайвончалик нималардир қила олаяпмизми.?”<sup>33</sup>

Бу каби жўшқин сўзлар асосан Ализоданинг публитсистик мақолаларида кўплаб учраб, у яшаган йилларда катта аҳамиятга эга бўлган. Улар миллий ифтихор, ватанни севиш ҳисларини уйғотиб, мазлумликдан озод бўлишга мустақиллик учун курашга чорлайди.

Тил инсоннинг нутқий фаолиятида турли лисоний бирликларнинг қўлланишида намоён бўлади. Масалан, газета мақоласида тилнинг хабар функцияси етакчилик қилади, шунингдек, унда ташвиқот ва эмотив функция ҳам иштирок этади. Л.С. Виготский фикрига кўра, «нутқ тафаккурнинг сўзга айланиш, материаллашиш жараёнидир».

2 "Илм ва маориф барокати билан дунё халқлари ҳавода парвоз қилиб, сув ости оламини ўрганаётган шундай бир асрда, атиги бир неча дақиқада Ғарбдан Шарққа ва Шимолдан Жанубга муҳобара қилинаётган бир даврда, тамаддун сояси остида ўзга мамлакатлар гулистонга, миллатлар фариштага айланаётган ушбу лаҳзаларда бизникилар кўзларини чирт юмган ҳолда тамаддун нуридан бебаҳра қолиб, зулмат водийсида сарсон ва жаҳолат дарёсида сузиб юрибдилар”<sup>34</sup>

<sup>32</sup> Михальская А. К. Педагогическая риторика: история и теория. – М., 1998. –С.32.

<sup>33</sup> Журн. "Шўълаи инқилоб" 1920 номер 7 2- бет

<sup>34</sup> Журн. "Шўълаи инқилоб" 1920 номер 12 10- бет

9.Журн. "Шўълаи инқилоб" 1920 номер 14 10- бет

"Ишчилар шуни яхши англасинларки, бўридан чўпон чиқмас. Улар учун бу сарватдор, мулкдор, судхўр, ҳаннот, анбордор, жаллоб, пристав волостной, мулла, қозй, муфтий кабиларнинг ваколатларидан ҳеч суд йўқдир"<sup>35</sup>

### **ХУЛОСА**

Сўзловчининг нутқий вазият ва ўз нутқи қаратилган шахсга бўлган ижобий ёки салбий муносабатидан келиб чиқиб тил бирликларини танлаши тингловчи ёки ўқувчига маълум бир нарса-предмет, воқеа-ҳодиса ҳақида хабар беришдан ташқари ўзи ҳақида, яъни ёши, жинси, жамиятда эгаллаб турган мавқеи, ижтимоий нуфузи, дунёқараши тўғрисида ҳам маълумот беради.

Ализода мохир тилшунос сифатида дискурснинг барча категорияларидан мохирона истифода этганини унинг публицистик ҳамда бадиий меросида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

- 1.Сафаров Ш. Прагмалингвистика.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. -Б.153.
- 2.Карасик В.И. Этнокультурные типы институционального дискурса //
3. Этнокультурная специфика речевой деятельности: Сб. обзоров. - М.: ИНИОН РАН, 2000. - С.37-64.
- 4.Дейк Т.А. ван. Язык, познание, коммуникация. - М.: Прогресс, 1989. -С. 372.
- 5.Гурочкина А.Г. Понятие дискурса в современном языкознании // Номинация и дискурс. -Рязань, 1999. -С.13.
- 6.Журн. "Шўълаи инқилоб" 1920 номер 14 10- бет
- 7.Михальская А. К. Педагогическая риторика: история и теория. – М., 1998. – С.32.

---

<sup>34</sup> Журн. "Шўълаи инқилоб" 1920 номер 14 10- бет